



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2017 йил 7 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 26 (13.359)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ

Мамлакатимизда ёшларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз.



Т.МАМАЛАМИНОВ (ЎЗА) олган сурат

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН – АЗИЗ МАҲАЛЛАМ

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган “Қадриятлар бешигисан, азияз маҳаллам” шiori остида ўтказилаётган “Маҳалла – менинг тақдиримда” кўрик-танлови ҳам навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, фарзандларимизни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётди.

Пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида мазкур танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман босқичида саралangan 11 та жамоа маҳалла ҳаёти, миллий қадриятлар, “маҳалла – таълим муассасаси – оила” ҳамкорлиги каби мавзуларни ўзига мўлжаллаган 3 та шарт бўйича ўзаро баҳсладди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўрик-танлови уч босқичли тизимда ўтказилиб, унда умумтаълим мактабларининг 9-синфи ҳамда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари таълим олаётган ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

– Юртимизда истиқлол йилларида улғаяётган фарзанд-

лар чиндан-да бахтли, саодатлидир, – дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви бош мутахассиси Омила Арипова. – Улар яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботлашмоқда. Жорий йилнинг 10-15 декабрь кунлари ўтказилган танловнинг саралаш босқичи фуқаролар йиғинларининг 493 та жамоалари ўртасида ўтказилди. Йил сайин кўлами кенгайиб, мазмунан бойиб бораётган танлов бугун маҳалла ёшлари ўртасида соғлом раёбатни шакллантириш, уларни бир мақсад атрофида бириктиришда ўзига хос анъана тусини олган. Танловнинг биринчи шартда иштирокчилар “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлигининг аҳамияти тўғрисида тақдиротларни намойиш этишди. Иккинчи шартда оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги механизмини қўлайтириш масалалари, соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва маънавиятга оид саволларга жавоб қайтаришди. Танловнинг учинчи шартда “Маҳалла – менинг тақдиримда” мавзусида ишолар танлови бўлиб ўтди.

Қувонарлиси, жорий йилги танлов шартларига қатор янгиликлар мамлакатимизда маҳалла институтининг янада

такомиллашуви жараёнларидан ёшларнинг етарлича ҳабардор бўлишига хизмат қилади.

Мазкур кўрик-танлов нафақат билим ва маҳорат имтиҳони, балки ўқувчи-ёшларнинг дўстлик байрамига, иқтидор ва қобилиятларини намоён этишларида янги имконият, эркин фикр ва ўзаро мулоқот майдонига айланиб бораётгани билан эътирофга лойиқдир.

– Бугунги танлов тенгдошларимиз билан танишиш, билимларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиш билан бирга, чинакам дўстлик байрамига айланди, – дейди Чилонзор туманидаги “2-Чарх Камолот” маҳалласининг “Назар” жамоаси сардори Мавлуда Юсупбоева. – Бундай тадбирлар бизни “Кеча ким эдигу бугун ким бўлди, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?” деган ҳаётий саволларни ўз олдига қўйган ҳолда келахакка бугундан шукроналик ва эртанги кунга ишонч туйғуларини янада теран ҳис этишга ундайди.

Танлов натижаларига кўра, Шайхонтоҳур туманидаги “Тахтапұл” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Билимдонлар” жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Юнус-обод туманидаги “Шарқ ҳақиқати” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Шарқ юлдузи” жамоасига, учинчи ўрин эса Уч-тепа туманидаги “Ўтқир” маҳалла фуқаролар йиғинининг “Обод маҳалла” жамоасига насиб этди.

Ғолибларга диплом ва совғалар топширилди. Тадбир давомида танқили ёш санъаткорларнинг чиқишлари танловга байрамона шукку бағишладди.

Зиёда РАСУЛОВА

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Ўзбекистон Банк-молия академиясида Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк мутахассислари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Молия институти, Солиқ академияси олимлари, профессор-ўқитувчилари, илмий ходим-изланувчилар, тингловчилар иштирокида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондириши керак” номли маърузаси чуқур ўрганилди ҳамда истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси ҳозирга қадар юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган таъкидланди. Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, солиқ юқини камайтириш ва солиқлар тизимини соддалаштириш, янги турдаги суғурта хизматлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларида тақдиротлар ўтказилди.

Мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш, эркинлаштириш ва барқарорлигини ошириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги дастурларда уларнинг барқарорлигини таъминлаш, қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, фаолиятини халқроқ стандартларга мувофиқ янада такомиллаш-

тириш, кўрсатилётган молиявий хизматлар ҳажмини янада кенгайтириш ҳамда аҳолининг уларга бўлган ишончини ошириш доимий эътиборда. Шу туфайли 2016 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 16,6 миллиард доллар миқдорда ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоиз кўп инвестиция йўналтирилди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасида келтирилган айрим, хусусан, белгиланган нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш борасидаги чоратadbirlar иштирокчиларнинг алоҳида эътиборига сабаб бўлди. Бунда аҳолига муайян вақт давомида белгиланган лимит доирасида банк маблағлари ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконини берувчи кредит карталарини муомалага кириштириш, пластик карталар орқали ҳисобрақамларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, тўлов терминалларида фойдаланганлик учун ижара тўлови миқдорини икки мартага қисқартириш, пластик картадан маблағларни бошқа картага ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тарифларни камайтириш алоҳида қайд этилди.

Илмий-амалий семинарда Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси хусусида фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Банк-молия секторини ривожлантириш ҳисобида макроиктисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар берилди.

Сайёра ШОЕВА

Машинасозлик мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим бўғинларидан биридир. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон машинасозлик соҳаси ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллади. Мазкур тармоқни янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқаришга илғор технологияларни кенг жорий қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Машинасозликка хорижий инвестициялар жалб этилиб, кўплаб қўшма корхоналар тузилмоқда. Бу эса маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилаётди.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ САМАРАСИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда қўлай инвестициявий муҳит яратилиб, сармоядорлар учун имтиёз ва преференцияларнинг самарали тизими ишлаб чиқилган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янада такомиллаштириб, уни янги сифат босқичига олиб чиқишда муҳим омили бўлмоқда.

2012 йил Тошкентда Беларусдаги машинасозлик бўйича етакчи “Amkador” холдинг компанияси томонидан “Amkador-Toshkent” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона ташкил этилган бунга мисол бўла олади. Ушбу корхона қисқа вақт ичида Ўзбекистонда махсус техника воситаларини етказиб берувчилар орасида етакчи мавқега эга бўлди.

Хорижий корхона йўл қурилиши, коммунал, қишлоқ ҳўжалиги, аэродром учун мўлжалланган техника ва бошқа махсус техникаларни сотиш, уларга қафолатли хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, эҳтиёт қисмлари, сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмларни етказиб бериш, мазкур техника фойдаланувчиларини ўқитишга иштирокчи бўлди.

“Amkador” холдинг компанияси 90 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. У ўтган давр мобайнида унинг ишлаб чиқарилган кичик бир фабрикадан машинасозлик бўйича холдинг кўринишидаги йирик компанияга айланди. Бугунги кунда компания Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 33 мамлакатига 90 дан ортиқ русум ва модификациядаги техника воситаларини етказиб бермоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилган фронтал ва универсал юкловчи машиналар, электр юкловчи машиналар, электртележалари, йўл катоклари, қор тозалаш техникалари, экскаваторлар, МТЗ тракторлари негиздаги турли-туман агрегатлар, жумладан, қишлоқ ва сув ҳўжалиги учун агрегатлар, юк-кўтариш транспорт ускуналари, дон тозалаш мажмуалари ва бошқа кўплаб техника воситалари ўзининг юқори сифати, халқроқ андозаларга тўла мослиги, тежамкорлиги, ишончилиги, қўлайлиги

ҳамда экологик жиҳатдан хавфсизлиги билан ажралиб туради.

Холдингда ишлаб чиқарилаётган юк ортиш ва тушириш, махсус машиналар, турли ускуналар қишлоқ ҳўжалигида ҳам тобора кенг қўлланилмоқда.

Бугунги кунда “Amkador-Toshkent” хорижий корхонаси Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўз вакиллари ва савдо агентлигига эга. Юқори малакали сервис хизмати ва ўқув комплекслари ташкил этилган.

– Ўзбекистон хорижий сармоядорлар учун истиқболли мамлакат ҳисобланади, – дейди “Amkador-Toshkent” корхона раҳбари Анатолий Левицкий. – Юртимизда машинасозлик маҳсулотларига талаб катта. Бу қишлоқ ҳўжалиги, саноатнинг барча тармоқлари, хусусан, қўн-металлургия соҳаси, коммунал ҳўжалиги, кичик бизнес корхоналарининг жадал ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Давлатимиз томонидан тадбиркорлар учун яратилаётган қўлай шароит ва имкониятлар муваффақиятларимизнинг муҳим омилдир. Мақсади техника етказиб бериш ҳажмини янада кенгайтириш, қафолатли ва сифатли хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, Ўзбекистон ички бозорига унга талаб юқори бўлган техника русумларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Айни пайтда “Amkador” холдинг ҳамда “Amkador-Toshkent” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Тошкент қишлоқ ҳўжалиги техникаси заводи” ва “Технолог” акциядорлик жамиятлари негизда қишлоқ ҳўжалиги, коммунал ва йўл-қурилиш техникаларини ишлаб чиқаришга иштирокчи бўлган “Amkador – Agrotekmash” қўшма корхонаси ташкил қилинди.

Яқинда Беларус Республикаси ҳукумат делегациясининг юртимизга ташириги пайтида “Amkador – Agrotekmash” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган техника воситалари намойиш этилди.

Хорижий ҳамкорлар, хусусан, беларуслик сармоядорлар иштирокидаги истиқболли лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона вилоятидан сайланган депутатлар ва сенаторлар Бувайда туманида бўлиб, фуқаролар билан мулоқот ўтказди. Очiq ва самимий мулоқот чоғида тумандаги иқтисодий инфратузилма ва тадбиркорликни ривожлантириш, молия-кредит муассасалари фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли бандлигини қафолатлаш масалалари диққат марказида бўлди.

● Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пунктида Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Кўролли Кучлар резервиге бўшатиш тўғрисида”ги Қарорига кўра муддатли ҳарбий хизматга қақирилган йиғиларнинг дастлабки гуруҳини тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

● “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилаётган “Маҳалла – менинг тақдиримда” кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 14 та жамоа қатнашиб, маҳалла ҳаёти ва тарихи, миллий ғоя, маънавият асослари ва бошқа тушунчалар доирасида ўз билим ва кўникмасини синовдан ўтказди.

● Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида “Ўзбекистон – кўп миллатли ахил оила” лойиҳаси доирасида “Бу муқаддас Ватанда азияздир инсон” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбирда халқларимиз жипслиги ўртасидаги дўстлик ва тотувлик ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди, шунингдек, “Сирдарё навалари” дастаси ҳамда миллий маданий марказлар қошида ташкил этилган бадиий жамоалар иштирокчиларга байрамона қайфият улашди.

ЖАҲОНДА

● Қатарнинг “Qatar Airways” компаниясига тегишли самолёт дунёдаги энг узок вақт давом этган тўғридан-тўғри парвозни амалга оширди. Яъни, мамлакат пойтахти Доҳадан самога кўтарилган самолёт жами 14,5 минг километр масофани босиб ўтгани ҳолда 16 соату 15 дақиқа вақт давом этган парвоздан сўнг Янги Зеландиянинг Окленд шаҳридаги аэропортга қўнди.

● Руминиянинг йирик шаҳарларида бир ҳафтадан буён мамлакат конституциясига зид қонун қабул қилинганлиги муносабати билан, гарчи у тезда бекор қилинган бўлса ҳам ҳукуматга қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, кеча мамлакат пойтахти Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган намойишларда 25 минг киши иштирок этди.

● Кеча Гондурасда йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Юк машинасининг рейсда ҳаракатланаётган автобус билан тўқнашуви натижасида 16 киши ҳаётдан кўз юмди, кўплаб йўловчилар тан жароҳати олди. Ушбу ҳодисага юк машинаси ҳайдовчисининг тезлигини ошириб автоуловини бошқара олмай қолганлиги сабаб бўлган ва ҳайдовчи воқеа жойидан яширинган. Ҳодисада жабрланганларга дарҳол тиббий ёрдам кўрсатилди.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ АХБОРОТ ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида унификациялаштирилган "Ягона ойна" божхона ахборот тизимининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Унда Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) вакиллари, пойтахтимизда фаолият юритаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

"Ягона ойна" тизимининг амалиётга жорий қилиниши 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасида Президентимиз томонидан Давлат божхона қўмитаси олдида қўйилган вазифаларни тизимли равишда сифатли ва самарали бажарилишида муҳим аҳамият касб этиши тадбирда сўзга чиққан Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Ғ.Шукуров ва бошқалар томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

"Унификациялаштирилган "Ягона ойна" божхона ахборот тизимини жорий этиш йўли билан божхона хизматини модернизация қилиш" лойиҳасини амалиётга жорий этиш ишлари 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳукуматлари ўртасида икки томонлама битим имзоланганидан сўнг бошланган.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон ва Корея ҳамкорлигининг навбатдаги ёрқин ифодаси бўлиб, уни амалга ошириш учун Жанубий Корея томонидан 5,5 млн. АҚШ доллари миқдорига грант маблағлари ажратилди.

Энг аввало мутахассислар иштирокида бир қанча музокаралар, божхона соҳасидаги бизнес жараёнларини синчиклаб текшириш, зарур маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш ишлари олиб борилди. 2014-2016 йиллар давомида Корея Республикасида ўттизга яқин ўзбекистонлик мутахассислар лойиҳа доирасида таҳсил этилган тренингларида иштирок этди. Давлат божхона қўмитаси сервер ва бошқа техник қурилмалар билан таъминланди. "Ягона ойна" ахборот тизимининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилиб, тегишли синовлардан муваффақиятли ўтказилди.

Илгари ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда тегишли рухсатномалар олиш учун бир нечта давлат органларига мурожаат қилишлари ва ҳар бир идора учун алоҳида ҳужжат тақдим этишлари тўғрисида келарди, дейди Давлат божхона қўмитаси ахборот коммуникацион технологияларини таъбиқ этиш бошқармаси бош инспектори Миркамол Миробоев. Бу эса муайян даражада ортиқча вақт сарфланишига ва харажатларнинг кўпайишига олиб келар эди. Жорий этилаётган "Ягона ойна" ахборот тизими экспорт ва импорт товарларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун божхона органига тақдим этилиши лозим бўлган барча ҳужжатларни йиғиш жараёнини тезлаштириш ва бу ишларга сарфланган вақтни қисқартириш билан мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини янада ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси каби қатор вазирлик ва идораларни қамраб олган мазкур тизим ёрдамида 20 дан ортиқ рухсатнома ҳужжатлари, шу жумладан, мувофиқлик сертификати, экологик сертификат, ветеринар гувоҳнома ва бошқа шу каби ҳужжатларни олиш мумкин.

Ушбу тизимнинг ишга туширилиши давлат органларига мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, турли божхона тўловлари, солиқ ва йиғимларни тўлиқ ҳисоблаш ва ундириш, тадбиркорларнинг фаолиятига аралашмасдан туриб, ташқи иқтисодий жараёнларнинг мониторинги ва таҳлилин олиб бориш имконини беради.

Шунингдек, тадбирда "Ягона ойна" ахборот тизими жабон божхона ташкилоти томонидан тавсия этилаётган халқаро стандартларга тўла жавоб бериши айтиб ўтилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Бугун ҳарбий хизматга бориш ҳар бир йигитнинг шарафли бурчи бўлади. Тошкент шаҳар чақирув йиғини пункти байрамона қиёфада. Бу ерга ҳарбий хизматга жўнаб кетиш учун келган йигитлар, уларнинг ота-оналари, яқинлари йиғилишган.



ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – ШАРАФЛИ БУРЧ

Давлатимиз раҳбари, Қурол Кучлар олий бош қўмондон Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қурол Кучлар резервга бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ юртимизнинг барча ҳудудларида миллий армиямизга навбатдаги чақирув ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаганларни резервга бўшатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мана бугун юртимизда ўз йигитлик бурчини ўташга отланган ўғлонларни тантанали ҳарбий хизматга кузатув маросими бўлиб ўтмоқда, дейди Тошкент шаҳар Бектемир тумани Мудофаа ишлари бўлими чақирув бўлими бош-

лиги, катта лейтенант Мақсуджон Мухамедов. Шу пайтга қадар жисмонан, ҳам ақлан етук чақирилувчилар саралаб олиниб, жисмоний тайёргарлик, тест синовлари ва тиббий кўриклардан муваффақиятли ўтган йигитлар Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш учун жўнаб кетишмоқда.

Бугун илк бор ҳарбий хизмат либосини кийганимизда жуда ҳаяжонландим, дейди Шайхонтоҳур туманидан чақилган аскар Жасур Абдузоҳидов, — барча тайёргарликлардан ўтдик. Жисмоний чинлик дўстларим қатори ҳарбий хизматга жўнабман.

Ёшлигимдан ҳарбий бўлишга қизиқдим, дейди Чилонзор туманидан ҳарбий хизматга қаҳирланган аскар Абдулла Абдурахимов. — Ватанимизнинг ҳар бир қарич

ерини, чегарасини фуқароларимиз тинчлиги учун эртаю кеч ҳимоя қиламиз. Олти ой олдин ҳарбийликка тайёргарлик бўлди, жисмоний кўрик, тест, тиббий кўриклардан ўтдик. Спорт билан мунтазам шуғулланганим ўйламанки ҳарбий хизматда асқотади.

Бугун ўғлим Элдор Абдуллахоловни ҳарбий хизматга кузатишга келдик, дейди аскар оналаридан бири Лола Эшонхонова. — Иккита ўғил, бир қизим бор, бу ерда биз ота-оналарга фарзандларимизни кузатиш учун барча шароитлар муҳайё этиб берилган. Ўғлим ҳарбий хизматга бораётганидан фахрланаман.

Аскарларни ҳарбий хизматга кузатиш маросими кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди.

Ш.ЗОКИРОВ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Мирзо Улуғбек тумани кенгаши, Ўзбекистон Фанлар академияси умумий ва ноорганик моддалар кимёси институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида тадбир ташкил этилди.

Маърифий тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан бўлган учрашуви ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Адлия вазирлиги қошидаги Республика Юристар малакасини ошириш маркази мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ходимлари ва партия аъзолари иштирок этди.

Давра суҳбатда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг директори Б.Закиров, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси Ш.Қурбанова ва бошқалар фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда Конституциянинг ўрни

бекиёслиги, маънавиятини юксалтириш, турли ҳавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган бугунги замонда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос воҳисларини эканини теран англатиб, она юртва муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшашига, иймон-этиқоди мустаҳкам авлод бўлиб тарбияланишида куч-қувват бағишлашни таъкидлаб ўтишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2016 йил 30 декабрда мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан бўлган учрашувида барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтариш лозимлиги, академик олимлар рағбатлантириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш муҳимлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу эса янги келажакда илм-фан соҳасининг ривожланишига туртки бўлади.

Зарина РУСТАМОВА

НАФИС ВА БЕЖИРИМ МАҲСУЛОТЛАР

Бугунги кунда тадбиркорликка катта эътибор берилаяпти, хусусан юртимизда аёллар тадбиркорлиги ҳам анчайин ривожланиб бормоқда. Маълумотларга таяниб айтганда, ҳозирда пойтахтимизда 7,5 мингдан ортиқ тадбиркор аёллар фаолият кўрсатапти.



Пойтахтимиздаги Юнусобод тумани кичик саноат зонасида жойлашган "JASMIN FITO PHARMA" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Райхона Нормаматова тадбиркорликка қўл урган, гайратли, оқила аёлларимиздан биридир.

Косметика ва гигиена воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона 2012 йил апрель ойида ташкил этилди. Айни пайтда бу ерда 8 киши меҳнат билан банд.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни ҳаётга кенг таътиқ этишни бошладик, дейди корхона раҳбари Райхона Нормаматова. — Биламизки, Ўзбекистонда шифобахш гиёҳлар кўп, уларнинг турлари ҳам хилма-хил. Ана шу табиий гиёҳлардан инсон саломатлиги йўлида

оқилона фойдаланишни мақсад қилганмиз. Мамлакатимизда ҳали биз билмаган шифобахш ўсимликлар кўп. Агар киши бирон хасталикка чалинса, дори ичади. Бу дори албатта, бирор аъзога ножўя таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун синтетик дорилар ўрнига ўзимизда ўсадиган табиий доривор гиёҳлардан тайёрланган воситаларни қўласак мақсадга мувофиқ бўлади.

Фито тузларда чўмилиш, фито мойлар билан баданни уқалаш саломатликка фойда эканлигини кўрсатиш корхонанинг асосий мақсади. Қолаверса, аёлларимиз табиий воситалардан фойдаланиб, гўзал бўлиб юрсалар, нур устига аъло нур!

Корхона маҳсулотлари янги чақалоқлардан тортиб, катта ёшли инсонларга ҳам асқотади.

— Кундалик ҳаётимизда, ёш оналар фарзандларининг иммунитетини оширадиган, оғриқ қолдирадиган, турли хил аллергия ва тошмаларни бартараф қиладиган, руҳият ва танани тетиклаштирувчи маҳсулотларни сўраб мурожаат қилишди, — сўзида давом этади Р.Нормаматова. — Шундай маҳсулотларимиз ҳам борки, ҳақиқатан бола ухлашдан олдин фито-тузда чўмилтирилса, тинчланади, териси мустаҳкамланади. Аёлларимизга соч тўкилишининг олдини оладиган, килри-қошларга сурилдиган фито мойларимиз мавжуд. Бизнинг маҳсулотларимизни республикамиздаги барча дорихона ва супермаркетлардан сотиб олиш мумкин.

Райхона Нормаматова фаол, таъаббускор аёллардан саналади.

Ўтган йили "Тадбиркор йил аёли" кўрик-танловида иштирок этиб, туман босқичида биринчи ўринни қўлга киритди. Тошкент шаҳар босқичида фахрли 3-ўринни эгаллади.

— Келгусида режаларимиз катта, — дейди суҳбатдошимиз. — Корхона кенгайтириш борасида иш олиб бораёلمиз. Ўтган 2016 йилда 250 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб берган бўлсак, бу йил янада баракали ишлашга ҳаракат қилмоқчимиз.

Биз ҳам гайратли тадбиркор Райхона Нормаматова раҳбарлик қилаётган "JASMIN FITO PHARMA" масъулияти чекланган жамияти фаолиятига ривожлар тилаймиз.

З.ШАРИФЖОНОВ

Яшнобод тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЯШНОБОД ТУМАНИДА 2017 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда, 2016 й., 17-сон, 176-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-сон буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор паркларини, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда, 2015 й., 30-сон, 402-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2017 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор паркларини, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида ҳамда "DAVTEXNAZORAT" инспекциясининг 2016 йил 20 декабрдаги 416-сонли мурожаатига асосан,

КАРОР ҚИЛАМАН:

1. Яшнобод туманида 2017 йилда мулкчилик шаклидан қатъий назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор паркларини, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримқуловага: техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўриқ ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча румсумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини, машина асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибининг юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча румсумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш йўлдошчарига йиғиш;

техник кўриқдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўриқка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслиқ;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга: билдиришномани олгандан сўнг техник кўриқ ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўриқдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. "DAVTEXNAZORAT" инспекцияси (С.Хаитов): ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Х.Ҳақимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУК-нинг Яшнобод туман тармок администратори (А.Қасимов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Тошкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.yashnobod.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор матбуотда расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирида.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.К.Тиллашайхов зиммасига юклансин.

**Яшнобод тумани ҳокими
Ф.ҲАКИМОВ**

2017 йил 25 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали таништирилади.

